



**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ
ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
НАМАНГАНСКОГО ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО
ИНСТИТУТА**

**SCIENTIFIC AND TECHNICAL JOURNAL
OF NAMANGAN ENGINEERING INSTITUTE
OF TECHNOLOGY**



**1
2016**

Тупроққа әкишдан олдин ишлов берувчи машиналар иш органларининг минимал энергия сарфини таъминловчи ўлчамларини аниқлаш	
Р.Абдирахмонов, Ш.Саримсақова, Г.Мамадалиева, И.Эркинов	
Х.Абдухалилов.....	68
Шоли әкиладиган чекларга ишлов берувчи барабаннынг мақбул ўлчамларини асослаш	
А.Дадаходжаев, Х.Тагаев, И.Эркинов, Г.Мамадалиева.....	71
Топинамбур ўсимлигини қайта ишлашнинг комплекс усулини тадқиқ қилиш	
Д.Шерқузиеv, Ж.Хабиуллаев, О.Нуридинов.....	77

КИМЁ - МАТБАА САНОАТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Рутипол субстанциясининг қаттық фазали технологияси	
Ш.Абдуллаев, Ф.Хошимов, С.Собиров.....	85
Таркибида кальций бўлган ва фосфатларнинг сувда эрийдиган шакли камайтирилган ўғитлар олиш	
И. Шамшидинов, Г.Ганибоева, Б.Мамуров.....	91
Пахта мойи таркибидаги эркин ёғ кислоталарини ректификациялаш жараёнини таҳлили	
Д.Азизов, А.Хамдамов.....	97
Изучение процесса получения NPCA удобрений путем разделения твердой фазы из нитрокальцийфосфатной пульпы	
У.Азизова, Д.Шерқузиеv.....	101
Маҳаллий каолин асосида олинган сорбентнинг ўсимлик мойини оқлашда кўланилиши	
С.Собиров, О.Эргашев, Ф.Хошимов	106

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлиги – иқтисодиётни модернизациялаш мухим омили	
Ш.Сайдбаев, Ш.Мамаджанов	110
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масалалари	
Ғ.Мадияров, О.Казаков, Л.Убайдуллаев.....	113
Наманган вилоятида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари	
Ҳ.Ёқубжонова.....	120

“Наманган мұхандислик-технология институти илмий-техника журнали”

Чакана савдо жараёнларини амалга оширишда мерчендайзинг тамойилларидан фойдаланиш йўллари Т.Махмудов,.....	123
Ўзбекистонда фаолият юритаётган чет эл фуқароларининг меҳнат фаолиятиини тартибга солиш М.Шоқаламов.....	127
Устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари М.Усмонов.....	132
Ўзбекистон ва хорижий давлатларда давлат хизматчиларига давлат кафолатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва молиялаштириш манбаалари И.Исмаилов.....	140
Ўзбекистон тоғ ва тоғолди худудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг долзарб масалалари О.Казаков,Ғ.Мадияров, Л.Убайдуллаев.....	147
Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида фермер хўжаликларининг истиқболли йўналишлари. Т.Маманазаров, И.Фозилжонов,Ш.Одилов.....	152
Кўқон хонлиги даврида Наманган шаҳри инфраструктураси А.Нурматов.....	158
Таълим соҳасидаги ютуқлар ва вазифалар Х.Мирзахолов, Н.Фарходжонова.....	163
Атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. инсонларда экологик маданиятни янада юксалтириш усуллари. Х.Комолов, Ш.Одилов, И.Фозилжонов.....	166
Moodle платформасида задание элементи билан ишлаш Ф.Анарбаева, Ф.Муллажонова.....	171
Технологик жараёнларни визуаллаштириш Ш.Джураев, А.Аманов.....	175
Духовное воспитание молодёжи Н.Фарходжонова, Х.Ўринбоев.....	179

ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОГОЛДИ ХУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

O.Казаков, F.Мадияров, Л.Убайдуллаев.
Наманган мұхандислик-технология институти

Бугунги даврда инсонлар истеъмоли учун зарур ҳисобланған озиқ-овқат турлари ва улар миқдорини орттириши мұхим масалалардан бири ҳисобланади. Мақолада тоз ва тозолди худудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши масалалари кўтарилган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

В настоящий период одной из важных задач считается увеличение потребления людьми необходимых видов продовольственной продукции и их объемов. В статье подняты вопросы выращивания сельскохозяйственной продукции в горных и предгорных территориях и разработаны предложения по ним.

At this time one of the major problems is the increase of consumption by people the right kinds of food products and their volumes. The article raised issues of growing agricultural production in mountain and foothill areas and proposals for them.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча соҳалар ва тармоқларни қамраб олаётган бугунги даврда жаҳон мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни орттириш орқали инқироз таъсирини пасайтиришга эришиш мұхим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Инсонлар истеъмоли учун зарур ҳисобланған озиқ-овқат турлари ва улар миқдорини орттириш орқали ортиб бораётган эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга эришиш мумкин. Бунга эришиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг анъанавий усуслари билан бир қаторда ноанъанавий усуслар ва йўналишларни ҳам қидириб топиш ва улардан самарали фойдаланиш лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажмини орттириш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Ноанъанавий ҳисобланған ва ҳозирги вактда етарли даражада эътибор қаратилмаётган тоғолди ва чўл худудларидан қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари етиштириб олиш масаласи бугунги кунда жуда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти мустақиллик йиллари жадал суръатларда ривожланиб бормокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasида «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисбот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошганлиги.» таъкидлаб ўтилди. Бу каби ривожланиш суръатлари мамлакатнинг барча худудларида ҳам амалга кузатилмоқда. Шу жумладан Наманган вилоятида ҳам юқори суръатдаги ривожланиш холатлари кузатилди. Вилоятда 544790 тонна дон маҳсулотлари етиштирилган бўлиб, ўтган 2013 йилга нисбатан 5,5 фоиз ўсишга эришилган бўлса, картошка етиштириш 9,5 фоизга, сабзавот 8,4 фоизга, полиз маҳсулотлари 7,4 фоизга, мева 11,8 фоизга узум 15,8 фоизга ортди.

1-жадвал

2013-2014 йилларда Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

	Барча тоифадаги хўжаликларда		
	2013 й	2014 й	%
Жами дон	516385	544790	105,5
Картошка	207279	226992	109,5
Сабзавот	574564	622547	108,4
Полиз	63451	68138	107,4
Мева	182026	203503	111,8
Узум	98606	114216	115,8

Изоҳ: Жадвал Наманган вилоят Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Вилоят меҳнат тақсимотида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Вилоятнинг умумий майдони 7,44 минг кв.км ни ташкил этиб, шундан 282780 га суғориладиган ерлар ҳисобланади. Суғориладиган ерлар билан бир қаторда, суғоришнинг имкони бўлмаган худудлардан ҳам самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг хажмини орттиришга эришиш мумкин. Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар асосан вилоятнинг тоғ ва тоғолди худудларини ўрганишга ва уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга йўналтирилгандир.

Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам ўтган йилларда бир қатор муваффақиятларни қўлга киритдилар. Вилоятда 2014 йилда 230,0 минг тонна пахта хосили етиштирилиб, ҳосилдорлик даражаси 28,7 центнерни ташкил қилди. Шунингдек, 476,0 минг тонна ғалла етиштирилиб, шундан, 217,8 минг тоннаси давлат хирмонларига шартнома асосида қабул қилинди. Вилоятда 15,2 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг қарийб 5,4 фоизини ташкил этади. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртacha 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошди.

Агар, чўл, тоғ ва тоғолди худудларидаги ерлардан фойдаланишни йўлга қўйилса, вилоят қишлоқ хўжалигидаги ижобий ютуқлар бундан ҳам яхшироқ бўлар эди. Бунинг учун бундай худудларни ўрганиш, таҳлил қилиш лозим. Мамлакатимизнинг тоғолди ва чўл худудларида асосан жийда, бодом, ёнгоқ, қайрағоч, чилон, саксовул ва шу сингари қўчатларни экиш ва парваришлиб, улардан аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашга хисса қўшадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш мумкин. Бу маҳсулотларнинг таркибида аҳоли саломатлиги учун жуда зарур бўлган кўплаб моддалар мавжудлигини тиббий адабиётлардан яхши биламиз. Биргина жийда мевасидан ўпка шамоллаши, юқори нафас органларининг шамоллаши, яллиғланиши, ошқозон-ичак касалликлари, онкологик касалликлар, бел ва оёқ оғриқлари, ошқозон яраси ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланиб келингани

илмий адабиётлардан маълум. Биоқўшимча сифатида қўшилган жийда унидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби таҳлил қилинганда, маҳсулотлар: қандли моддалар, оқсиллар, витаминалар, липидлар, органик кислоталар, ва бошқа биологик фаол бирикмалар билан бойигани аниқланди.

Тоғолди ва чўл худудларига экилиши мумкин бўлган жийда, ёнгоқ, писта ва бошқа маҳсулотлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш хажмининг ортишига катта хисса қўшиши билан биргаликда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ортишига, унда қишлоқ хўжалигининг таъсирини юксалтиришга ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашга олиб келади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларда қишлоқ хўжалигининг ҳам ўзига хос хиссаси бор. Бу соҳа мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ва муттасил равишда ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш вазифасини бажармоқда. 2015 йил ва ундан кейини йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти олдига қўйилаётган масалалар ичida қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масаласи ҳам бор бўлиб, бу масаланинг ечими аҳоли эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришда катта туртки беради. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг икки йўли – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиласидиган экин майдонларини кенгайтириш ҳамда мавжуд ерлардан самаралироқ фойдаланиш биргаликда олиб борилмоқда. Иқтисодий нуқтаи назардан олганда қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлар чекланганлиги сабабли ва сув ресурслари билан таъминлашдаги қийинчиликлар сабабли қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи йўли самаралироқ эканлиги маълум.

Тоғ, тоғолди ва чўл худудларида бугунги кунда бирон-бир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилмаяпти. Етиштирилаётган бўлса ҳам жуда оз миқдорда етиштириляпти. Бунинг асосий сабаби – у ерларда тупроқнинг таркибини номутаносиблиги ва суғоришни йўлга қўйишдаги қийинчиликлардир. Шундай ерларнинг холатини ўрганиш ва уларда қишлоқ

хұжалиги маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйиш орқали мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ортишига қўшиладиган хиссани орттиришга эришиш мумкин. Бунинг учун авваламбор, мамлакатимиздаги тоғ ва тоғолди худудларини ўрганиш, улардаги тупроқнинг хусусиятларини ўрганиш, таркибига мос равища экилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалик экинларини аниқлаш талаб қилинади. Бундай ерларда боғларни ташкил қилиш бошланишида бир оз қийин бўлади. Экилган кўчатлар ва бошқа экинларни аввалига парваришлиш талаб қилинади. Аста-секин бу кўчатлар ва экинларни ўша худудларнинг иқлимига ва тупроқ шароитига мослашиб қолади ва ўсишини давом эттириши ҳамда ҳосил бериши мумкин.

Мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолди худудларининг умумий холатини ўрганиш асосида уларда экилиши мумкин бўлган экинлар ва кўчатларни аниқлаш лозим. Бу ишлар аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга ва иқтисодий самара олинадиган ҳосил берганида 150 тоғ ва тоғолди худудларига ёнғоқ экиш орқали қандай самара олиш мумкинлиги аниқланади.

Бир туп ёнғоқ дарахти 150 килограммдан 300 килограммгача ҳосил бериши мумкин. 1 гектар ерга экилган ёнғоқ кўчатлари сони 200 тани ташкил этганда, улардан олинадиган ҳосил (агар ҳар бир туп ёнғоқ 150 кг. ҳосил берганида) $150 \times 200 = 30000$ кг. ни ташкил этади. Агар ёнғоқнинг бир килограммини 5000 сўмдан топширилса $30000 \times 5000 = 150000000 = 150.000$ минг сўмлик ёнғоқ мевасини тайёрлашимиз мумкин.

Тоғолди худудларига экиладиган ҳар бир хил дарахт учун ўзига хос бўлган минерал ва маҳаллий ўғитлардан солиб турилади. Ҳосилга кирган ёнғоқзорга ҳар икки йилда бир марта гектарига 40 тонна гўнг, ҳар йили 120 кг азот, 90 кг. фосфор ва 40 кг калий ҳисобидан минерал ўғит солиб турилади. $90+120+40 = 250$ кг. Минерал ўғитнинг ҳар бир килограммининг ўртacha нархи 800 сўмдан бўлишини ҳисобга олсак $250 \times 800 = 200000$ сўм. Бунга бир гектар ерга экилган ёнғоқ дарахтини ва унга сарфланган меҳнат харажатларини қўшсак $20 \times 5000 =$